



ХОЗИР КУНДА БИЗНИ КИНАЁТГАН ЭНГ КАТТА МУАММОЛАРДАН БИРИ (ЙЎЛ ҚОИДАСИ БУЗИЛИШИ ОҚИБАТЛАРИ)

Шохрухбек Муминов Шухратбек уғли

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-yanvar 2024 yil

Ma'qullandi: 18-yanvar 2024 yil

Nashr qilindi: 23-yanvar 2024 yil

KEY WORDS

Йўл ҳаракати, хавфсизлик, механик, транспорт, йўл ҳаракати қатнашчилари.

ABSTRACT

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳаётга изчил жорий этила бошланди. Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиб бориши, автомобил саноатининг вужудга келиши, хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилиши, фуқароларнинг моддий фаровонлиги ортиб бориши табиий равишда автомобил йўлларида ва шаҳар кўчаларида ҳаракат миқдорининг ортиб боришига олиб келди.

Транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши натижасида, давлат, жамият ва шахс манфаатларига моддий зарар етказилиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилиши, мулкӣй ва бошқа зарарлар келиб чиқиши мумкин.

Баъзи ҳолларда мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилиши одамлар ўлимига сабаб бўлаётганлиги ачинарли ҳолат эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Йўлларда автотранспорт воситаларининг хавф хатарсиз ҳаракат қилиши ва ҳар қандай ҳайдовчига транспорт воситаларини бошқаришда салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бартараф этиш ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб келмоқда.

Мамлакатимиз олдида ҳозирги ва истиқболдаги асосий масалалардан бири сифатида автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларда ҳалок бўлувчилар ва тан жароҳати олувчилар сонининг камайишига эришиш, шунингдек кўриладиган умумий ижтимоий иқтисодий зарарларни камайтириш вазифалари турибти.

Статистик маълумотларга кўра, охириги ўн йил ичида Республикамизда ҳар йили ўн мингдан ортиқ йўл транспорт ҳодисалари содир бўлади, уларда ўртача ўн икки минг киши жароҳатланади ва икки минг киши ҳалок бўлиши қайд этилган. Йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун кўриладиган қатор тадбирларга қарамасдан, уларнинг миқдорини камайтиришга эришиб бўлмаяпти. Бу эса, йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига ўта жиддий ёндашиш зарур эканлигини, турли соҳа вакиллари, қолаверса кенг жамоатчилик олдида ўз ечимини топиши керак бўлган вазифа сифатида қўйишни талаб этмоқда.

Мазкур турдаги жиноятларга қарши курашишнинг долзарблиги шундаки, улар фуқароларнинг ўлими, соғлиги ва мулкига зарар етиши билан бир қаторда баъзи

транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг ижтимоий масъулиятсизлиги ҳамда тартибсизлигининг, худбинлигининг жамият ва унинг аъзоларига нисбатан лоқайдлигининг кўриниши бўлганлиги билан хавфлидир.

Йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги фани асосан амалий жиҳатларга тайанувчи фан ҳисобланиб, бу фанни ўқитишда турли методларни қўллаш самарали ҳисобланади. Улар орасида ахборот коммуникатсийа воситалари алоҳида аҳамийатга эга. Юқори малакали педагог кадрларга бўлган талаблар ортиб бораётган ҳозирги шароитда баркамол йош авлодни асрлар давомида шаклланиб келаяётган умуминсоний ва миллий қадрийатлар руҳида тарбиялаш лайоқатига эга бўлган, фаннинг фундаментал асосларини пухта эгаллаган, замонавий педагогик ва ахборот технологйаларини йахши ўзлаштириб олган ижодкор кадрларни шакллантириш талаб этилади. Бундай вазифаларни бажариш мавжуд таълим тизимини мукаммаллаштиришни, уни ҳозирги замон талабларига мос ривожлантиришни, хусусан олий таълим парадигмасини замонавий педагогик ва ахборот технологйаларини ўзлаштиришга, муассасаларда мугахассисликка оид фундаментал билимларни мустақкам эгаллашга қодир кадрлар таййорлашга йўналтиришни тақозо этади.

Замонавий ахборот технологйаларининг воситалари қаторига: компьютер, сканер, видеоқўз, видеокамера, ЛСД проектор, интерактив электрон доска, факсмодем, телефон, электрон почта, мултимедиа воситалари, Интернет ва Интранет тармоқлари, мобил алоқа тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий интелект тизимларини киритиш мумкин. Ахборот технологйаси воситалари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жарайон қуйидагиларни ўз ичига олади [4]:

- компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мултимедиа проектори, чизиш планшети, муסיқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти;
- ускунавий дастурий таъминот;
- виртуал матн конструкторлари, мултипликатсийалар, муסיқалар, физик моделлар, географик ҳариталар, экран протсессорлари ва х.к.;
- ахборотлар мажмуи -маълумотномалар, энциклопедийалар, виртуал музейлар ва х.к.;

техник кўникмалар тренайорлари (тугмачалар мажмуидан тугмачаларга қарамасдан маълумот киритиш, дастурий воситаларни дастлабки ўзлаштириш ва х.к.). Ахборот технологйалари воситаларининг марказида турувчиси компьютердир.

ХУЛОСА ВА МУНОЗАРА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, илғор технологйалар, самарали методларни қўллаган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги дарсларини йанада жозибадор ва самарали ташкил этиш мумкин экан.

Адабийотлар Рўйхати:

1. Амбартсумйан В.В. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш муаммолари: дис. Доктор журид. Фанлар.- Ереван, 2010;
2. Игнатов Л.И. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари фаолийатининг ташкилий асослари: ўқув қўлланма. - М., 2011 йил;

3. Ротенберг В.В. "Ўйдовчи-автомобил-йўл-атроф-муҳит" тизимининг ишончилиги асоси. - М., 2016 йил.
4. Веремеенко И.И. Жамоат тартибини таъминлаш соҳасида маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш механизми: 2 соатда – М., 2011 й. - 1-қисм. - б. 13.
5. Лукьянов В.В. Йўл ҳаракати хавфсизлиги. - б. 16. 2018

